

СИФАТЛИ МАЙИЗ (ГЕРМИЁН) ОЛИШДА ЙИРИК ҒУЖУМЛИ УЗУМ НАВЛАРИНИНГ МУҲИМ АГРОТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзамад Исаевич Одинаев

Тошкент давлат аграр университети доценти

Муҳаммаджон Парпиевич Парпиев

Тошкент давлат аграр университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада йирик ғужумли майизбоп узум навларини ўрганишда, узумни келиб чиқиш ватани, узум бошининг шакли, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева тугиш ва тугувчанлик коэффициенти, ўлчами ва тифизлиги, ғужумининг вазни, ранги, ғужумининг физик-механик хусусияти, пўстининг қалинлиги, дегустацион баҳоси, ғужумининг увологик кўрсаткичлари, ғужумидаги шарбат ва этининг тифиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати ва чиқиши, қанд миқдори, нордонлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: узум боши, ғужум, пишиш муддати, ҳосилдорлик, қуритиш, майиз, ғужум ўлчами, таъм, ранг, консистенция, ҳарорат йиғиндиси, балл.

THE MPORTANT AGROTECHNOLOGICAL PROPERTIES OF LARGE GRAPE VARIETIES TO OBTAIN QUALITATIVE RAISINS (HERMIONE)

ABSTRACT

The article, devoted to the study of large-berry raisin grape varieties, provides information on the origin of the grapes, the shape of the grape cluster, the ripening period, yield, fruiting coefficient and fecundity, the size and maturity period, weight, color, physical and mechanical properties of the grapes, the thickness of the peel, tasting evaluation, the amount of juice and pulp in the peel, the amount of peel, the quality and yield of raisins, sugar content and acidity.

Keywords: bunch of grapes, raisins, ripening time, yield, drying, raisins, berry size, taste, color, consistency, sum of temperatures, points.

КИРИШ

Ўзбекистон узумнинг кўпгина турларини келиб чиқиш ватани бўлиб, бу ерда жуда қадимдан хилма хил навлар етиштириб келинади. Республика тупрок иқлим шароити, айниқса, унинг тоғолди минтақалари узум етиштириш учун жуда ҳам қулай бўлиб, бу ердаги узумлар ўзининг қанддорлиги, юқори ҳосилдорлиги, майиз маҳсулотининг юқори сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Ўрта Осиёда кишмиш ва майиз экспорт қилувчи етакчи давлатлардан бири ҳисобланади [1,2,4].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Узумнинг янги майизбоп навларини чиқариш бўйича ишлар жуда қадимдан давом этиб келмоқда. Сўнгги йилларда бундай навларни чиқаришга бўлган эътибор янада ортиб бормоқда. Айниқса унинг йирик ғужумли навлари юқори қадрланади. Республика олимлари томонидан сўнгги йилларда бундай навларнинг бир қанчаси чиқарилган бўлиб, уларнинг технологик хусусиятларини чуқур ўрганиш ва танлаш долзарб ҳисобланади. Бу эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва майиз экспорти салоҳиятини ошириш имконини беради [3,5].

Катта-Қурган (Маска) - кечпишар хўраки, майизбоп узум нави Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Ватани - Ўрта Осиё. Узум боши йирик (бўйи 12-26 см, эни 14-25 см), ғужуми йирик, овалсимон ёки тухумсимон оч яшил, этдор, сершира, пўсти юпқа, уруғи йирик. Ҳосили йиғиб олинганга қадар фойдали ҳарорат йиғиндиси 3400-3800 °С ни 150-160 кунда (сентябр 2-ярми)га тўғри келади ва шу муддатда пишиб етилади. (1-расм).



1-расм. Узумнинг майизбоп Катта-Қурган (Маска) нави
Ҳосилдорлиги ўртача 270-280 ц/га. Функционал урғочи гулли бўлганлиги сабабли унга Оқ кишмиш, Қора кишмиш, Пушти Тоифи, Саперави, Султоний навлари энг яхши чангловчилар ҳисобланади. Янгилигида ейилади, қуритилади, гермиён майизи тайёрланади. Узоқ ерларга ташишга яроқли. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида районлаштирилган **Султони** (синонимлари: Жаус, Оқпар, Шакарак)– ўртача кечпишар маҳаллий хўраки, майизбоп ва

винобоп узум нави. (2-расм).

Ўрта Осиёда яратилган. Ўзбекистон (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ), Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистонда экилади. Узум боши йирик, вазни 400-500, баъзан 800-1100г. Конус-симон, тифиз жойлашган. Ғужуми йирик, 5-6 г келади, юмалок чўзиқ, оч сариқ, пишганда қаҳрабо, офтобга қараган томони тўқ сариқ. Пўсти қалин, кўнғир нуқталар билан қопланган. Эти сершира, еганда карсиллайди.



2-расм. Узумнинг майизбоп Султони нави

Сентябрь бошларида, 148-154 кунда пишади. Таркибида 25-27 % қанд, 3-3,5% кислота бор. Ҳосилдорлиги 200-240 ц/га. Узуми янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади.



Қоражанжал - (синоними: Қорасемиз) - халқ селекциясида чиқарилган ўртача кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави. (3-расм).

3-расм Узумнинг майизбоп Қора жанжал Узум боши йирик 300-400 г (бўйи 16-25 см), кенг конуссимон, зичлиги ўртача. Ғужуми йирик (4,8 г), сер эт, ширали, овал ёки цилиндрсимон; бинафша-қорамтир, пўсти қалин. Таркибида 25-27% қанд бор, нордонлиги 4-7%, сентябрда пишади. Узумининг

сифатлиги жиҳатидан хўраки навлар орасида 1-ўринларда туради. Янгилигида ейлади, майиз солинади (23% майиз тушади).

4-расм. Узумнинг майизбоп Нимранг нави Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида етиштирилади.

Нимранг. Тожикистон маҳаллий нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Узум боши йирик, конус ёки цилиндрсимон. Ғужуми йирик тух-умсимон шаклда, ранги оқиш - сариқ, куёш тушган томони пушти. Узум бошининг ўртача вазни 348-465 г атрофида. Эти гўштли, сершира, куврак. Таркибида 22-25% қанд, 5-



6% кислота бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 6,5 балл. Куртак ёзилишидан меваси пишгунгача 162 кун. Ўртача ҳосилдорлиги 180-220 центнерни ташкил этади. Янгилигида ейилади, қишги сақлашга қўйилади ва майиз ҳам қилинади (23% гача майиз тушади)

Гўзал қора – ўртапишар хўраки нав. Гўзал қора нави Бутуниттифок ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё тажрибаста



5-расм. Узумнинг майизбоп
Гўзал қора нави

нциясида олинган дурагай уруғлардан чиқарилган. Узум боши ўртача, юмалоқ, 500-600 г келади. Узум боши ва ғужумлари ўртача тиғиз. Ғужуми йирик, кўкиш-қора рангда. Куртак ёзгандан бошлаб фаол ҳарорат йиғиндиси 2800°да 136 кунда - август ойи охирларида пишади. Ҳосилдорлиги 220-240 ц/га. Касалликлар билан кам зарарланади. Асосан янгилигида истеъмол қилинади ва майиз солинади. Қуритилганда йирик донали майиз олинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида районлаштирилган (5-расмга қаранг).

Хусайне мускатный. Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида яратилган. 2014 йилдан Республика бўйича давлат реестрига киритилган. Ўртаги муддатларда пишадиган хўраки ва майизбоп нав. Август охири ва сентябр ойи бошида пишади. Узум боши йирик – 400-450 г атрофида, ғужуми 6-7 г келади, шакли – узунчок, ранги оқиш-яшил, таъми ёқимли. Қанд миқдори 23% ни ташкил этади. Ҳосилдорлиги ўртача 160-180 ц/га ни ташкил этади. Асосан янгилигида истеъмол қилинади, республиканинг жанубий вилоятларида қуритилиб, сифатли майиз ҳам олинади.



3-расм. Узумнинг майизбоп

Хусайне мускатный нави

Ушбу майизбоп узум навларини тажрибаларимизда бир нечта усулларда

курутиб кўрдик.

Юқорида майизбоп узум навларининг агробиологик кўрсаткичлари ўрганилиб расмлари билан келтириб ўтилди. 1-жадвалда Ўзбекистонда районлаштирилган майизбоп узум навларининг агробиологик тавсифи келтирилган.

Ўзбекистонда районлаштирилган майизбоп узум навларининг агробиологик тавсифи (2017-2020 йй)

1-жадвал

Навлар	Ғужумининг ўлчами, мм	Оидиумга чидамлилиги	Совуққа чидамлилиги (5 балли тизимда)	Намликка талабчанлиги	Шўрга чидамлилиги	Қанд миқдори, %	Кислоталилиги, г/л	Тезпишарлик гуруҳи	Вегетация даври даво-мийлиги, кун	Фол харорат йиғиндиси °С	Ҳосилнинг пишиш санаси
Катта-Курган (Маска)	30x30	чидам-сиз	3	+	+	24-26	4,3	ўртач а кечки	150-160	3600	15-25/09
Султани	25x24	ўртач а	3	+	+	25-27	4,1	ўртач а кечки	148-154	3400	8-15/09
Каранджанжал	27x24	чидам-сиз	4	+	+	23-24	4,6	ўртач а кечки	138-145	3500	5-10/09
Хусайне мускатный	32x20	ўртач а	3	+	+	26-27	4,4	ўртач а кечки	140-145	3400	4-11/09
Нимранг	21x15	ўртач а	3	+	+	23-24	5,1	ўртач а кечки	155-162	3300	8-14/09
Гўзал қора	27x22	ўртач а	3	-	+	25-26	6,0	ўртач а кечки	136-140	2800	25-31/08

Узумнинг майизбоп навларини ўрганишда қуйидаги хулосага келинди. Узумнин майизбоп йирик ғужумли навларининг бошининг хусусияти – пўстининг қалинлиги, ғужумидаги шарбат ва этининг тиғиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати – майиз чиқиши, йириклиги, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева туғиш ва мева тугувчанлик коэффиценти, ғужумининг

вазни, рангги, ғужумининг физик-механик қанд миқдори, нордонлиги ва дегустация баҳолари ўрганилди. Ушбу навларнинг майизбоплиги иқтисодий ва сифатли қуритилган маҳсулот бериш хусусиятидан келиб чиқиб республикада узумчиликга иқтисослашган фермер хўжаликларига етиштириш ва сифатли майиз олишлари учун тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСА

Узумнинг майизбоп навларини ўрганишда қуйидаги хулосага келинди. Узумнин майизбоп йирик ғужумли навларининг бошининг йириклиги, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева тугиш ва мева тугувчанлик коэффиценти, ғужумининг вазни, рангги, ғужумининг физик-механик хусусияти – пўстининг қалинлиги, ғужумидаги шарбат ва этининг тиғиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати – майиз чиқиши, қанд миқдори, нордонлиги ва дегустация баҳолари ўрганилди. Ушбу навларнинг майизбоплиги иқтисодий ва сифатли қуритилган маҳсулот бериш хусусиятидан келиб чиқиб республикамизда узумчиликга иқтисослашган фермер хўжаликларига етиштириш ва сифатли майиз олишлари учун тавсия этиш мумкин.

REFERENCES

1. Буриев Х., Мирзаев М., Одинаев М. - Майизбоп (гермиён) узум навларини қуритиш усуллари. -ТошДАУ Таҳририят-нашриёти, 2018. -18 б.
2. Темуров Ш., Узумчилик. - “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2002. -Б. 180-187.
3. Мирзаев М., Одинаев М. - Технология выращивания и сушки изюмных сортов винограда.- Монография. LAMBERT Academic Publishing. Германия-2017. -196 б.
4. Буриев Х., Ризаев Р., - Мева-узум маҳсулотлари биокимёси ва технологияси. – Тошкент: “Мехнат”, 1996. -Б. 76-81.
5. Мирзаев М., Абдуллаев Р. -Тоғ ва тоғолди минтақалар боғдорчилиги ва узумчилиги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент, 2010. № 1. - Б. 21-22.